



ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАРНИ ЕТИШТИРИШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ

Хўжақулова Н.Р.

катта ўқитувчи (ҚарМШИ)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10002288>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 02-October 2023 yil

Ma'qullandi: 06- October 2023 yil

Nashr qilindi: 14- October 2023 yil

KEY WORDS

доривор ўсимликлар,
ривожланиш, иқтисодий
самарадорлик.

ABSTRACT

Мақолада доривор ўсимликларни етиштиришнинг иқтисодий асослари ва моҳияти таҳлил қилинган. Доривор ўсимликларни етиштиришни ривожлантириш орқали мамлакат иқтисодиётини яхшилашга ёрдам берадиган илмий тавсиялар ҳам берилган.

Инсоният минг-минг йиллар давомида турли гиёҳлардан дардига даво топиб келган. Ўзбекистон доривор ўсимликлардан фойдаланиш бўйича дунё давлатлари ўртасида ўзига хос тарихий ўрни ва нуфузига эга. Аجدодларимиз айниқса доривор ўсимликларнинг хусусиятини яхши билган, уларни самарали қўллай олган. Бундан 11 аср аввал бобоколониимиз Абу Али Ибн Сино доривор ўсимликларни тиббиётда амалий жиҳатдан фойдаланиш самарасини исботлаган. Унинг ноёб асарларини дунё олимлари тан олиб, бугунги кунгача қўллаб келмоқдалар.

Ўзбекистон табиий ва географик жиҳатдан доривор ўсимликларга бой худуддир. Бу худудда таъбиий ҳолда 4500 турга яқин юксак ўсимликлар учрайди. Шулардан 1200 га яқин ўсимлик турлари дориворлик хусусиятига эга бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг ўсимликлар дунёсининг бойлигидан далолат беради.

Бутунжаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра мавжуд дори-дармонларнинг 60 % ни доривор ўсимликлар хом ашёларидан олинган препаратлар ташкил этади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида 112 тур доривор ўсимликлар расмий таъбиотда фойдаланишга рухсат берилган бўлиб, ушбу доривор ўсимликларнинг 80 % ни табиий ҳолда ўсувчи ўсимликлар ташкил этади. Ўзбекистонда ўсимликлар дунёси тур таркибининг хилма-хиллигини сақлаб қолиш мақсадида давлатимиз томонидан бир қатор қонун ва қарорлар қабул қилинган: 1992 йил 9 декабрда “Табиатнинг муҳофазаси тўғрисида”, 1993 йил 7 майда “Ўта муҳим қўриқланадиган табиий худудлар тўғрисида”, 1997 йил 26 декабрда “Ўсимликлар дунёсидан фойдаланиш ва уларнинг муҳофазаси тўғрисида”ги қонунлар; 2004 йил 20 октябрда ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг № 290 – сонли “Биологик ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб таомилларидан ўтиш тўғрисида”ги қарори ва бошқалар. Бундан ташқари 2020

йил 10 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “ Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қабул қилинган ПҚ-4670-сонли қарори доривор ўсимликлар муҳофазасини кучайтириш, плантациялар ташкил этиш орқали қўшимча қиймат занжирини яратиш, таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш жараёнларини интеграциялашга қаратилгандир.

Зеро, таълим, фан, ишлаб чиқаришни интеграциялаш, фармацевтика саноатини халқаро талабларга жавоб берадиган доривор ўсимликлар хом ашёси билан узлуксиз таъминлаш, импорт ҳажмларини камайтириш, хорижий давлатларда талаб юқори бўлган турларини плантация усулида кўпайтириш орқали экспорт ҳажмларини ошириш, ёввойи ҳолдаги доривор ўсимликларни сақлаш ва майдонларини кенгайтириш бугунги кунда долзарб ва муҳим масалалардан ҳисобланади.

Бугунги кунда дунё давлатларида табиий дори воситаларига бўлган талаб йилига 6-7 фоизга ортиб, халқаро экспертлар прогнозига кўра, 2020 йилда йиллик товар айланмаси 35 млрд доллардан ошади.

Хитой, Ҳиндистон, Канада ва АҚШ каби давлатлар ёввойи ҳолда ўсаётган доривор ва зиравор ўсимликларни сақлаш, маданий плантация усулида кўпайтириш борасида катта тажриба ва салмоққа эга.

Мисол учун, Хитойнинг доривор ўсимликлар ва дори воситалари ўртача йиллик товар айланмаси 100 млрд. долларни, экспорт ҳажми 1млрд. долларни, импорт эса 274 млн долларни ташкил этади.

Бугунги кунда дунё давлатларида 12 минг турдаги доривор ўсимликларнинг мингдан ортиғи, Ўзбекистонда эса 1,2 минг турдаги доривор ўсимликларнинг 112 таси фармацевтика саноатида ишлатилади.

Ушбу йўналишда республикадаги мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш мақсадида доривор ва зиравор ўсимликларни ёввойи ва маданий усулда етиштиришни тизимли йўлга қўйиш, маҳсулот ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш ҳажмини кўпайтириш бўйича аниқ чоралар кўрилмоқда.

2021 йилда республика бўйича фермер хўжаликлари ва бошқа ташкилот ва корхоналари тасарруфларидаги ер майдонларида 54,6 минг гектарда доривор ўсимликлар етиштирилиб, ички ва ташқи бозорга йўналтирилган. 2020-2023 йиллар давомида доривор ўсимликлар плантацияларини 103,7 минг гектарга етказиш режалаштирилмоқда.

Аммо шунга қарамай, минг афсуски бугунги кунга келиб таъбиий доривор ўсимликлардан деярли фойдаланмай қўйдик. Маълумотларга кўра биргина юртимизда истеъмолдаги 6400 хилдаги дори воситаларининг атиги 2,3 фоизи таъбиий дори воситаси ҳисобланади.

Табиий ҳолда ўсувчи ўсимликларнинг ҳам хом ашё захираси чегараланган бўлиб, уларни муҳофаза қилиш, биоэкологик хусусиятларини ўрганиш, хом ашё захирасидан тўғри фойдаланиш ва кўпайтиришнинг илмий асосланган усуллари ишлаб чиқиш долзарб муаммолардан биридир. Шунинг учун Ўзбекистонда фармацевтика саноатининг эҳтиёжларини доривор ўсимликлар хом-ашёси билан таъминлаш, маҳаллий флорани янги интродуцент ўсимлик турлари билан бойитиш ва уларни етиштириш технологияларини ишлаб чиқиш зарур.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигида доривор ўсимликларни ўстириб етиштирадиган махсус хўжаликлар Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё ҳамда Тошкент вилоятларида ташкил этилган.

Илмий тадқиқотлардан бизга шу маълумки, доривор ўсимликларнинг дориворлик хусусияти ҳамма жойда ҳам бир хил бўлавермайди. Ўсимликларнинг ўзида дориворлик хусусиятини сақлаб қолиши ўша ер тупроғининг таркибига ҳамда табиий иқлим шароитига бевосита боғлиқдир. Бироқ ҳозирда соҳадаги илмий тадқиқотлар, доривор ўсимликларни табиий усулда кўпайишига шароитлар етарли эмаслиги боис йилига 3-4 та ўсимлик “Қизил китоб”га киритилмоқда. Жумладан, тожик коврагининг захираси бор-йўғи 105 тоннани ташкил этади. Ширинмия, туркистон аюгаси, жигарўти, иттиканак, Самарқанд бўзночи каби доривор ўсимликлар захиралари йўқолиб кетиши арафасида. Шу боис 50 та турдаги доривор ўсимликларни етиштириш учун табиий ва иқлим шароитидан келиб чиқиб, туманларни ихтисослаштириш амалиётининг жорий этилишига Ўзбекистон Республикаси президентининг юқорида айтиб ўтилган ПҚ-4670-сонли қарорида алоҳида эътибор берилган. Хусусан, Деҳқонобод, Узун, Бойсун, Қизириқ туманлари тожик коврагига; Яккабоғ, Поп, Чуст, Бўстонлиқ, Пискент, Риштон туманлари доривор валерианага; Китоб, Оҳангарон туманлари доривор мавракка; Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Хоразм вилоятлари эса қизилмия етиштиришга ихтисослаштирилади. Бундан кўриниб турибдики, биз доривор ўсимликларни сақлаб қолиш билан бир қаторда уларни дориворлик хусусиятини ҳам йўқотмаслигимиз учун уларни етиштиришда ҳудудлар бўйича тўғри жойлаштиришимиз зарур.

Қашқадарё вилоятининг табиати айниқса, тоғ ва тоғ олди ҳудудлари қулай иқлим шароитига кўра бой ва турли хил ранг-барангликка эга. Дастлбки ҳисоб-китобларга кўра бу ерда илмий тиббиётда қўлланиладиган ёки тавсия қилинадиган 120 дан ортиқ, халқ табobatiда фойдаланиладиган 1000 дан ортиқ ўсимликлар турлари учрайди. Лекин, айти пайтда расман хом ашё сифатида фойдаланиладиган доривор ўсимликлар тури 40 тадан ошмайди.

Бугунги кунда Қашқадарё вилоятида Вилоят ўрмон хўжалиги бошқармаси тизимида 8 та ўрмон хўжалиги фаолият юритиб келмоқда. Бу ўрмон хўжаликларида жам 50 га яқин доривор ўсимликлар турлари етиштирилиб келинади.

Қуйидаги 1-жадвалда вилоятнинг ўрмон хўжаликларида етиштирилган жами доривор ўсимликлар ҳажмининг 2020-2022 йиллардаги ўзгариши келтирилган. Ушбу жадвал маълумотлари таҳлилидан Қашқадарё, Деҳқонобод, Китоб, Қамаш, Жовуз ҳамда Шўртан давлат ўрмон хўжаликларида 2022 йилда 2020 йилга нисбатан доривор ўсимликлар етиштириш ҳажмининг ўсишини кузатадиган бўлсак, Муборак ва Яккабоғ давлат ўрмон хўжаликларида эса бу кўрсаткични пасайганини кўришимиз мумкин. Аммо шунга қарамай, вилоятда жами доривор ўсимликлар етиштириш ҳажми 2020-2022 йилларда 414,59 минг тоннадан 835,04 минг тоннага етган. Бу эса 2022 йилда 2020 йилга нисбатан 420,45 минг тонна яъни, 201,4 % кўп доривор ўсимликлар етиштирилганлигини кўрсатади (1-жадвал).

1-жадвал

Вилоят ўрмон хўжалиги бошқармаси тизимидаги ўрмон хўжаликларида 2020-2022 йиллар давомида доривор ўсимликларни етиштириш ишларининг бориши

тўғрисида маълумот¹

Т/ р	Ўрмон хўжаликл ари номи	Режалаштирилган ва амалда етиштирилган доривор ўсимликлар миқдори (тоннада)						2022 йилда 2020 йилга нисбатан ўзгариши			
		2020 йил		2021 йил		2022 йил		+;-		%	
		режа	амалда	режа	амалда	режа	амалда	режа	амалда	режа	амалда
1.	Қашқадар ё ДЎХ	138,3	122,7	184	171,6	366,7	327,0	228,4	204,3	265,1	266,5
2.	Дехқонобо д ДЎХ	56,8	49,2	70,1	71,2	65,5	136,70	8,7	87,5	115,3	277,8
3.	Китоб ДЎХ	40,6	42,05	45,8	46,016	60,8	44,98	20,2	2,93	149,8	107
4.	Қамаши ДЎХ	78,6	54,8	82,3	72,66	240,3	60,4	161,7	5,6	305,7	110,2
5.	Жовуз ДЎХ	8,5	7,12	9,4	9,07	19,0	26,9	10,5	19,78	223,5	377,8
6.	Шўртан ДЎХ	66	63,8	74,6	86,3	217,1	200,4	151,1	136,6	328,9	314,1
7.	Муборак ДЎХ	55,3	44,9	58,6	36	200	20	144,7	-24,9	361,7	44,5
8.	Яккабоғ ДЎХ	84,8	30,02	110	26,43	214,1	18,66	129,3	-11,36	252,5	62,2
Жами:		528,9	414,59	634,8	519,3	1383,5	835,04	854,6	420,45	261,6	201,4

Юқоридаги жадвалда келтирилган маълумотларнинг ўсиш кўрсаткичларига қарамай, бугунги кунда доривор ўсимликларни етиштириш борасида олиб борилаётган изланишлар ҳамда таҳлиллар шуни кўрсатаядиги, нафақат вилоятимизда балки бутун мамлакатимизда ушбу соҳада мавжуд имкониятлардан етарлича фойдаланилмаябди.

Айниқса, бутун дунёда вирусли-инфекцион касалликлар авж олган ҳозирги даврда ўсимлик хом ашёларидан тайёрланадиган ҳамда инсон организми учун зарарсиз, инсон иммунитетини кўтарадиган табиий дори-дармонларга бўлган эҳтиёж кун сайин ортиб бормоқда. Бу ҳол шифобахш ўсимликлардан кенгроқ фойдаланишни тақозо этади. Бундан ташқари доривор ўсимликларни етиштириш яхшигина даромад манбаи бўлиб ҳам ҳисобланади. Тажрибалар шуни кўрсатдики, маданий ҳолда 1 гектар

¹ Манба. Қашқадарё вилоят ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

валериана илдизи етиштириш учун 11 млн. сўм сарфланиб, 50 млн. сўм даромад олинади. Бунда соф фойда 39 млн. сўмни ташкил этади. Маданий ҳолдаги тожик ковраги етиштириш учун эса 45 млн. сўм сарфланиб, 63 млн. сўм даромад олинади. Соф фойда эса 18 млн. сўмдан иборат бўлади. Коврак ширасини қайта ишлаб, ярим тайёр маҳсулот шаклида, шунингдек қайта ишланган қизилмия илдизи экстрактини ярим тайёр маҳсулот кўринишида 180 млн. долларгача экспорт қилиш мумкин.

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалар шуни кўрсатадики, истиқболда доривор ўсимликларни етиштиришни янада ривожлантириш нафақат аҳолини табиий дори воситаларига бўлган эҳтиёжини қондириш, шу билан бир каторда иқтисодийтимизни ўсишига ижобий таъсир кўрсатади. Бунинг учун эса қуйидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

- доривор ўсимликлар ўсиши учун қулай ҳудудларда махсус плантациялар ташкил этиш, шу жумладан етиштиришнинг интенсив технологияларини жорий этиш орқали ва табиий ўсиш майдонларидан оқилона фойдаланган ҳолда уларни етиштириш ҳажмларини босқичма-босқич ошириб бориш;
 - плантацияларни ташкил этиш, доривор ўсимликларни саноат асосида чуқур қайта ишлаш ҳамда улардан юқори қўшилган қийматга эга бўлган экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш доирасида тадбиркорлик субъектларининг давлат бошқаруви органлари, барча даражадаги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро ҳамкорлигини самарали ташкил этиш;
 - доривор ўсимликларни етиштириш ҳамда қайта ишлаш соҳасини ривожлантиришга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш, шунингдек, жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш;
- доривор ўсимликларни етиштириш ҳамда қайта ишлаш соҳасидаги инвестиция дастурлари ва лойиҳаларининг амалга оширилишини мувофиқлаштириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 10 апрелдаги ПҚ-4670- сонли Қарори
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 2017 йил 11 майдаги ПҚ-2966-сон қарори.
3. Эргашев Р.Х. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти – (дарслик), - Т.: “Иқтисод молия” 2018, 402 б.
4. Тўхтаев Б.Ё., Махкамов Е.Х. ва бошқалар Доривор ва озубоп ўсимликлар плантацияларини ташкил этиш ва хом ашёсини тайёрлаш-(йўриқнома),-Т.: 2015 йил.
5. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси маълумотлари.
6. Интернет маълумотлари.